

---

## МУАММОЛАР ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Илгари ҳабар қилганимиздек, Фарғона тумани ҳоқими Шухратжон Мўминов Анклав ҳудудлар Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқларида бўлиб, энг чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли вакиллари билан учрашиб, уларнинг яшашлари, турмуш тарзлари ва уларни қийнаётган муаммолар билан қизиқиб, халқни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ташкилот раҳбарларига тегишли топшириқлар берган эди. Анклав ҳудудларда бирин-кетин одамлар томонидан билдирилган эътирозлар ўз ечимини топмоқда. Ёрдон МФЙ ҳудудидаги марказий поликлиникага яқинда замонавий тибий жиҳозлар келтирилади. Шу муносабат билан поликлиника ходимлари туман раҳбариятидан уч фазали тармоқ тортиб беришга амалий ёрдам беришни сўраган эдилар. Мурожаат назоратга олиниб, туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарига бажарилишини назоратга олиниши топширилган эди. Корхона томонидан топшириқ 2 кунда ҳал этилди. Икки сменада иш ташкил этилиб, Марказий Поликлиникага 680 метр масофада СИМ А-25 тортилди ва 8 дона траверс 0,4 кВ ўрнатилди. Ҳозирда Ёрдон МФЙ ҳудудидаги электр энергияси муаммоларини ҳал этиш, 15 дона бетон таянчлар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Туман ҳоқими 1- сектор раҳбари Ш.Мўминов кун кеча Водилдаги Хўжа Аҳмад Валий МФЙ ҳудудидаги ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувида “Дўстобод” кўчасида яшовчи Кенжабой Шаҳобиддинов томонидан маҳалладаги айрим таянчлар носоз ҳолга келиб қолганлиги уни янги сизга алмаштириб бериш масаласи кўтарилган эди. Корхона ишчи-хизматчилари томонидан масала зудлик билан жойида ўрганилиб, истеъмолчининг мурожаати ҳал этилди.

---

**Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2020-09-03 12:32:40